

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИКРАМОВА САИДА АЛИМДЖАНОВНА**

**ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИДА МАКОН КАТЕГОРИЯСИ  
ВА МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК**

**10. 00.11 – Тил назарияси, амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фани бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Икрамова Саида Алимджановна**

Оламнинг лисоний манзарасида макон категорияси ва миллий ўзига хослик

**Икрамова Саида Алимджановна**

Категория пространства в языковой картине мира и ее национальное своеобразие

**Ikramova Saida Alimdjanovna**

The category of space and its national specific features in the linguistic picture of the world

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИКРАМОВА САИДА АЛИМДЖАНОВНА**

**ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИДА МАҚОН КАТЕГОРИЯСИ  
ВА МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК**

**10. 00.11 – Тил назарияси, амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона — 2018**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil409 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифанинг [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот – таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Тешабаева Дилфуза Муминовна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Хошимов Ғанижон Мирзааҳмедович**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Худойберганова Дурдона Сиддиқовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.1017. Fil.05.02 рақамли илмий кенгашинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: манзил бўйича: (99873) 244–66–02; факс: (99873) 244–44–93; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz)).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: манзил бўйича: (99873) 244–66–02.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М. Х. Ҳақимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

**М. Т. Зокиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

**С. М. Мўминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда тил бирликларини инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганиш тенденцияси етакчилик қилмоқда. Тил бирликларини ундан фойдаланувчи кишиларнинг этник белгиси, менталитети, миллий-маданий қадриятлари, дунёқараши ва руҳияти кабилар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш устувор аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу боис лисоний тизимда акс этувчи миллий-маданийлик тамойили кўплаб илмий-тадқиқот ишларининг объекти сифатида белгиланмоқда.

Дунё тилшунослигида оламнинг лисоний манзараси тавсифида тил эгаларининг дунёни қай тарзда идрок этиши, миллий-маданий қарашлари, тафаккури кабиларнинг ўрни, шунингдек, турли тилларда олам лисоний манзарасининг универсал ва идиоэтник жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Макон категориясининг тадқиқида ҳам тил эгаларининг миллий тафаккури, маданий қарашлари, маконни идрок этиши ва уни тил бирликлари орқали ифодаланиши каби масалаларни ўзаро боғлиқликда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса олам лисоний манзарасининг таркибий унсурларидан бири бўлган макон категориясининг лингвомаданий таҳлилини монографик аспектда ўрганиш, хусусан, ўзбек тилида макон категорияси ифодаланишининг миллий ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб ва зарурий муаммолардан бири эканлигидан далолат беради.

Жамият ҳаётининг турли соҳаларида муайян мақсадга йўналтирилган ислохотлар олиб борилиши натижасида аждоқларимиздан мерос бўлиб қолган миллий қадриятларимиз ва миллий тилимизни ривожлантиришга бўлган эътибор кучайди. Бунинг натижасида тилшунослигимизда тилни тадқиқ этувчи янги парадигмаларни қўллаш билан боғлиқ ҳаракатлар юзага келди. Ўзбек тилшунослигида тилнинг миллий табиатини яққол кўрсатиб берувчи антропоцентрик парадигмага асосланган дастлабки тадқиқотлар амалга оширилди. Хусусан, ўзбек тилининг лингвомаданий хусусиятларини чоғиштирма аспектда таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин тилнинг миллий табиатини яққол кўрсатиб берувчи антропоцентрик парадигмага асосланган дастлабки тадқиқотларда тил тизимида макон категориясини воқелантирувчи бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да “...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> алоҳида таъкидланган. Бу жиҳатдан

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

тилшунослик муаммоларини янги методологик тамойил ва замонавий мезонлар асосида тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва давлатни ижтимоий, демократик ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда дунё тилшунослигида оламнинг лисоний манзараси муаммосини ўрганишга қизиқиш ортган сайин турли тилларда лингвистик макон категориясининг тадқиқига Н. Ф. Алиференко, А. Вежбицкая, В. А. Маслова, Д. Худойберганаовалар томонидан жиддий эътибор қаратилди<sup>2</sup>.

Оламни билишнинг миллий ўзига хослиги нуқтаи назаридан тилда макон маъносининг ифодаланиши масаласи Е.Н.Корбина, И.В.Воропаева, О. Л. Мальцева, Н. А. Куксова, А. В. Туарменская, Е. Н. Евтушенко каби олимларнинг ишларида тадқиқ қилинди<sup>3</sup>.

Тилда макон ва майдонни ифода этувчи асосий бирликлар семантикаси, контекстуал-прагматик ва когнитив жиҳатларида кўзга ташланадиган умумий ва хусусий тамойиллар О. А. Ставцева, М. А.

---

<sup>2</sup> Алиференко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. – М.: Флинта-Наука, 2010. – 288 с.; Вежбицкая А. Язык, культура и познание. – М.: Русские словари, 1996. – 416 с.; Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001. – 183 с.; Худойберганаова Д. Матнинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – 136 б.

<sup>3</sup> Корбина Е.Н. Языковые формы пространственной ориентации в речи: На материале современного английского языка: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2002. – 159 с.; Воропаева И.В. Когнитивный анализ английских реляторов BEFORE, AFTER, FOR, SINCE, TILL и UNTIL: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2004. – 24 с.; Мальцева О.Л. Предлог как средство концептуализации пространственных отношений: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Курск, 2004. – 18 с.; Куксова Н.А. Глагол как средство функциональной категоризации пространства в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тамбов, 2006. – 24 с.; Туарменская А.В. Когнитивные аспекты восприятия и категоризации пространственного опыта (на материале английских фразеологизмов со словами обозначающими части тела человека): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2006. – 253 с.; Евтушенко Е.Н. Концепт «пространственная ориентация» в английской и русской лингвокультурах: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2004 – 24 с.;

Кунижев, А. С. Самигуллина, Е. А. Елтанская, О. С. Андреева, Е. Г. Логиновалар<sup>4</sup> томонидан ўрганилди.

Ўзбек тилшунослигида ушбу муаммо бўйича М. Абдувалиев, Ш. Искандарова, С. Муҳамедоваларнинг изланишлари мавжуд<sup>5</sup>.

Ўзбек сеҳрли эртақларида макон ва замон талқини, локум ва локализация муносабатлари, маскан отларининг луғавий-маъновий гуруҳи ва услубий хусусиятлари, локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаси, макон ва замон дейксиси, инглиз тилидаги экзистенционал ва локатив конструкцияларнинг ривожланиши тарихини К. Қодиров, М. Эргашова, З. Уракова, Б. Қурбонова, Ш. Сафаров, Ш. Юсуповалар ўз тадқиқотларида ўрганган<sup>6</sup>.

Бугунги кунга қадар олиб борилган тадқиқотларда олам лисоний манзарасида макон категорияси ифодаланишининг лингвомаданий жиҳатлари махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу тадқиқот мавзусининг монографик планда ўрганилишини тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишларининг “Тилшуносликнинг долзарб муаммолари” йўналишида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** оламнинг лисоний манзарасида макон категорияси ва миллий ўзига хосликни ифодаловчи тил воситаларини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

оламнинг лисоний манзараси ва макон категорияси тушунчаларига муносабат билдириш;

---

<sup>4</sup> Ставцева О.А. Русские и английские предложные словосочетания с пространственным значением и их эквиваленты в шорском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Кемерово, 2002 – 26 с.; Кунижев М.А. Категория "пространство", ее статус и средства вербализации: на материале современного английского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2005 – 18 с.; Самигуллина А.С. Метафора в когнитивно-семиотическом освещении: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 2008 – 26 с.; Елтанская Е.А. Семантическая структура английских пространственно-динамических предлогов (на материале различных типов дискурса): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2007 – 19 с.; Андреева О.С. Актуализационный потенциал базовых языковых дейктиков пространственно-временной семантики: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Барнаул, 2005 – 24 с.; Логинова Е.Г. Концептуальное соотношение пространства и времени в семантике английских предложных сочетаний: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2004 – 23 с.

<sup>5</sup> Абдувалиев М. Тўсиқсизлик майдони ва уни ташкил этувчи синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1988. – №4. – Б. 62–66; Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 1999. – 266 с.; Муҳамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2007. – 325 б.

<sup>6</sup> Қодиров Қ.Н. Ўзбек сеҳрли эртақларида замон ва макон талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 148 с.; Эргашова М. В. Ўзбек тилида локум ва локализация муносабати: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – 150 с.; Уракова З.С. Маскан отларининг луғавий-маъновий гуруҳи ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 26 б.; Қурбонова Б. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007 – 23 с.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2008. – 320 б.; Юсупова Ш.Б. Инглиз тилидаги экзистенционал ва локатив конструкцияларнинг ривожланиш тарихи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011 – 150 с..

оламнинг лисоний манзарасида макон категорияси ифодаланишининг лингвомаданий жиҳатларини ёритиш;

макон категориясини ифодаловчи тил воситаларини таснифлаш, тилда макон маъносининг воқеланишидаги ўзига хос жиҳатларни текшириш;

макон категориясининг оламнинг лисоний манзарасида фразеологик бирликлар ва мақоллар воситасида намоён бўлишидаги миллий ўзига хосликни кўрсатиш.

**Тадқиқотнинг объектини** ўзбек, инглиз ва рус тилларида макон категориясини ифодаловчи тил бирликлари.

**Тадқиқотнинг предмети** оламнинг лисоний манзарасида макон категориясини ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда макон ифодаловчи тил бирликларининг ўзига хос семантик моҳиятини изоҳлашда когнитив, лингвокультурологик аспектларнинг тавсифлаш, қиёслаш, компонент таҳлил ҳамда бадиий матнларда маконнинг фаоллашувини аниқлашда контекстуал таҳлил методига мурожаат қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

оламнинг лисоний манзарасида инсон ва макон муносабати, унинг тилда воқеланиши, макон майдонига макон семаси мавжуд бўлган ўрин-жой отлари билан бир қаторда, маконга ишора қилувчи нарса-предмет отлари, маконни ифодаловчи сўз бирикмалари ва гаплар, ҳатто макон аффикслари ҳам мансуб бўла олиши далилланган;

макон категорияси бирликлари функционал-семантик жиҳатдан, маконда ҳаракатланиш, жойлашиш ва вазиятга оид муносабатлар асосида субкатегорияларга ажратган ҳолда аниқланган;

маконда йўналиш, ҳаракатланиш ва жойлашишни ифодаловчи тил бирликларининг универсал ва идиоэтник жиҳатлари бадиий дискурс мисолида ёритиб берилган;

оламнинг миллий манзарасида маконнинг паремиялар орқали воқеланиши ёритилган, маконни ифодаловчи фразеологизмлар ва мақолларда макон семали сўзлар миллий маданиятга мансуб эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

оламнинг лисоний манзарасида макон категориясини ифодаловчи бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари бўйича чиқарилган хулосалар ўзбек, рус ва инглиз тилшунослигининг янги илмий-назарий қарашлари таснифлаштирилган;

макон категорияси бирликларининг функционал-семантик гуруҳлари аниқлаштирилган;

маконни ифодаловчи лисоний бирликларнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги универсаллик ва идиоэтник жиҳатлари ўрганилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда замонавий тилшуносликда қўлланилаётган тадқиқ усуллариининг татбиқи асосида мавзу бўйича илмий асосланган назарий хулосалар чиқарилган. Бадиий адабиётлар,

фразеологик луғат ва мақоллар тўпламидан саралаб олинган мисолларни таҳлил қилиш орқали олам лисоний манзарасида макон категорияси воқеланишининг миллий ўзига хослигига доир фикрлар умумлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда макон категорияси антропоцентрик парадигма тамойиллари, турли тилларда макон категориясини ифодаловчи лисоний бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари, инсон онги, борлиқ ва тил ўртасидаги муносабатларнинг миллий тилларда кузатиладиган мураккаб табиати ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти шу билан аниқланадики, “Лексикология”, “Умумий тилшунослик”, “Лингвокультурология”, “Маданиятлараро мулоқот” ва “Таржимашунослик” каби фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш, маърузалар ва махсус курсларни ташкил этишда маконни ифодаловчи лисоний бирликларнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги универсаллик ва идиоэтник жиҳатларидан фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оламнинг лисоний манзарасида макон категорияси ва унинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида ифодаланиши ҳамда миллий ўзига хослиги муаммосининг тадқиқи асосида:

ўзбек, рус ва инглиз тилларида лисоний бирликлар орқали аниқлаштирилган оламнинг лисоний манзарасида макон категориясининг миллий ўзига хослигидан ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» фундаментал лойиҳасида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 апрелдаги 89-03-1479-сон маълумотномаси). Натижада тилни антропоцентрик парадигма доирасида тадқиқ этиш асосида *ички* ва *ташқи*, *бирламчи* ва *иккиламчи*; *реал* ва *виртуал*; *муваққат* ва *доимий*; *динамик* ҳамда *статик* макон тушунчалари орқали макон категориясининг моҳияти тўлиқ очиқ берилган;

маконда ҳаракатланиш, жойлашиш ва вазиятга оид муносабатлар бўйича такомиллаштирилган макон категорияси бирликларининг функционал-семантик гуруҳларидан ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» фундаментал лойиҳасида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 апрелдаги 89-03-1479-сон маълумотномаси). Натижада олам манзарасида макон тушунчаси, турли тилларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўзида намоён қилувчи макон категориясини ифодаловчи бирликлар, маконнинг кўп ўлчовли ва кенг қамровлигининг инсон фаолияти ва борлиқни ўрганишдаги аҳамияти, шунингдек, оламнинг лисоний манзарасида макон категориясини ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари аниқланган;

бадий дискурс асосида далилланган маконни ифодаловчи лисоний бирликларнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги универсаллик ва идиоэтник жиҳатларидан А-1-219 рақамли «Таълим тизимида хорижий тил (инглиз)

йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича C1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услубий мажмуа яратиш» номли амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 апрелдаги 89-03-1287-сон маълумотномаси). Натижада ушбу амалий лойиҳа доирасида бакалаврлар учун Vocabulary I ва Reading I номли ўқув қўлланма яратилган;

оламнинг миллий манзарасида миллий ўзига хослиги бўйича исботланган маконнинг паремиялар (фразеологик бирликлар ва мақоллар) орқали воқеланишидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан 2018 йил 25 мартда тайёрланган «Бедорлик» радиоэшиттиришини тайёрлашда фойдаланилди. (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекистон телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг 2018 йил 25 апрелдаги 04-25-636 сон маълумотномаси). Ушбу хулосалар олам лисоний манзарасининг маконни ифодаловчи паремияларда воқеланиши ва миллий ўзига хослигини асослашда муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий мақола; шулардан 9 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 134 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари тавсифланган; олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Тилшуносликда оламнинг лисоний манзараси ва макон категорияси талқини”** деб номланган биринчи бобида олам манзарасининг фалсафий ва лингвистик тавсифи ўрганилган, *макон* тушунчасининг антропоцентрик моҳияти очиб берилган, макон категорияси ҳақидаги назарий қарашлар таҳлил қилиниб, муносабат билдирилган.

Оламнинг лисоний манзараси тил эгаларининг олам ҳақидаги билим ва тасаввурларининг тилдаги аксидир. Ҳозирги кунга келиб *олам манзараси* турли фанларнинг фундаментал тушунчасига айланди. Бу тушунчанинг

негизда тилдан фойдаланувчи субъект марказий ўринни эгаллайди. Д.Худойберганова таъбири билан айтганда, “алоҳида шахс, шахслар гуруҳи, муайян халқ, инсоният олам манзараси субъекти бўлиши мумкин”<sup>7</sup>.

Олам манзарасида инсоннинг дунёни идрок этиш ва тасаввур қилиш механизми ўз ифодасини топади. Олам манзараси оламни тушуниш, англаш мантиқига мувофиқ ҳолда уни ўзига хос равишда кўриш ва қайта яратишдир. Аммо эътироф этиш лозимки, В. А. Маслова айтганидек, “оламнинг маълум образи ҳеч қачон унинг кўзгудаги аксидек бўла олмайди”<sup>8</sup>. Бу фикрни Е. В. Падучева ҳам қўллаб-қувватлаган. Унинг фикрича, “... табиий тил воситасида оламни у қандай бўлса, шундайлигича тасвирлаш мумкин эмас, лисон даставвал ўз соҳибларига оламнинг муайян манзарасини тақдим этади, бунда ҳар бир тилнинг ўзига хос олам манзараси мавжуд бўлади”<sup>9</sup>.

Олам манзараси ҳақидаги қарашларни қуйидагича умумлаштириш мумкин: олам манзараси оламни идрок этиш асосида уни тасаввурда қайта қуришдир; олам манзараси оламни миллий идрок этиш усулидир; олам манзараси ташқи оламнинг инсон тили, руҳияти, борлиққа муносабатида акс этишидир; олам манзараси оламнинг кўзгудагидек акси бўла олмайди; олам манзараси инсоннинг ташқи олам билан алоқаси орқали ҳосил бўлади.

*Оламнинг лисоний манзараси* эса “оламни тил призмаси орқали ўзига яраша идрок этиш”<sup>10</sup>, “оламнинг тил кўзгусида акс этиши”<sup>11</sup>дир. Бошқача айтганда, оламни идрок этишнинг ҳар бир тил эгасига хос миллий шакли, олам ҳақидаги лисоний тасаввурлар ифодасидир.

Оламнинг лисоний манзараси идрок этилган оламнинг илмий инъикоси бўла олмайди. Тил этноснинг жамоавий онгини ва ҳатто ноилмий онгини ҳам ўзида мужассам этади. Олам манзараси доимо миллий-маданий хусусиятлари билан ажралиб туради. У тарихий воқеалар, географик шароитлар ва алоҳида халқларнинг этнопсихологик белгилари таъсирида шаклланади. Олам манзарасини баҳолаганда шуни англаш лозимки, у оламнинг акси ҳам, оламга қаратиб очилган дарча ҳам эмас. У инсон томонидан талқин этилган борлиқ, унинг оламни англаш усулидир.

Оламнинг лисоний манзарасида макон муносабатларининг акс этиши ўзига хос. Инсон ва макон бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, тилда ҳам ўз ифодасини топади. Аммо турли тиллар олам лисоний манзарасида маконни ифодалашнинг усул ва воситалари ҳар хил бўлиши табиий.

Маълумки, инсон ҳаёти давомида маконда жойлашуви, ҳаракатидаги йўналиши кабилар орқали макон билан доимий равишда тўқнашади. Инсон

<sup>7</sup> Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – Б. 33.

<sup>8</sup> Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. – М.: Наследие, 1997. – С. 60.

<sup>9</sup> Падучева Е.В. Пространство в обличий времени и наоборот (к типологии метонимических переносов) // Логический анализ языка. Языки пространств / Отв. ред. Н.Д.Арутюнова, И.Б.Левонтина. – М.: Языки русской культуры, 2000. – С. 239-254.

<sup>10</sup> Яковлева Е.С. Фрагменты русской языковой картины мира // Вопросы языкознания. – Москва, 1994. – №5. – С. 73–89.

<sup>11</sup> Дмитриева Л.М. Топонимическая картина мира: отражение бытийных ценностей //Язык. Человек. Картина мира: Мат-лы всерос. конф. – Омск, 2000 – С. 37-41.

муайян макондан ўрин олиш билан бирга, зарур ўринларда унга таъсир кўрсатади, ўз навбатида, макон “ўзини макро ва микро коинот марказига кўювчи одам атрофида шаклланади”<sup>12</sup>. Макон ва инсон муносабатидаги бундай алоқа-боғланиш, шаксиз, тилда ҳам ўз ифодасини топади. Тилда акс этган ҳар қандай макон доимо антропоцентрик хусусиятга эга бўлади.

Инсон ва макон муносабати, унинг тилда воқеланиши масаласи таҳлилида *макон категорияси* тушунчасининг фалсафий ва лингвистик моҳиятини фарқлаш лозим бўлади. Фалсафий макон категорияси объектнинг жойлашган ўрни, қандай ҳолатда жойлашиши кабиларни ифода этади. Лингвистик макон категорияси макон ифодаловчи тил бирликлари ва улар орқали воқеланувчи маъно муносабатини акс эттиради. Бундай бирликларга ўрин-жой отлари, маконга ишора қилувчи нарса отлари, макон ифодаловчи сўз бирикмалари ва гаплар, ҳатто макон аффикслари ҳам мансуб бўла олади.

Тилшуносликда *макон* термини кенг маънода қўлланилади. *Макон* нафақат физик макон, балки тўпламлар, вазият маконлари ҳамда “завод”, “институт” каби функционал тизимлар маконига нисбатан ҳам қўлланади<sup>13</sup>.

Тилда *маконий код* тушунчаси ҳам мавжуд. Д. Худойберганова *маконий код* тушунчасига макон мавжудлигини инсон ёки ҳайвон аъзолари воситасида идрок қилинишини билдирувчи лисоний бирлик сифатида қарайди ва қуйидаги мисолларни беради: *бурни бурнига теккудек, бурнининг тагида, бир қарич (ер), (шаҳар) биқинида*<sup>14</sup>.

Ҳаракатдаги борлиқ доимо муайян замон ва маконда мавжуд бўлади, унинг мавжудлик белгилари ҳақида фикр юритилганда ҳам, ҳаракат шакллари талқинида ҳам вақт тушунчасига дуч келамиз. Шу маънода *макон* тушунчаси доимо *замон* тушунчаси билан алоқадор. *Макон* тушунчаси *предмет* тушунчаси билан ҳам алоқадор. Ҳар қандай предмет муайян маконда жойлашади. Ёки предметларнинг мавжудлиги муайян маконни тақозо этади.

Макон тавсифида *макон ва замон мўлжалли* (ориентацияси) масаласи ҳам аҳамиятли. А. Н. Чугунекова хакас тилига хос макон ва замон мўлжаллини қуйидаги турларга бўлиб ўрганган: 1) қуёшнинг жойлашуви: “*қуёш чиқиши*”; “*азон*”, “*пешин*”, “*ярим кеча*”; 2) одамга нисбатан йўналиш: “*олди*”, “*орқа*”, “*ўнг*” ва “*чап*” (антропоцентрик мўлжаллаш); 3) дарё оқими: “*юқорига оқим*”, “*пастга оқим*”; 4) қуёшга нисбатан тизмалар этагига йўналиш бўйича<sup>15</sup>.

Макон талқинида унинг структураси, маконни ташкил этувчи қисмлар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Е. С. Яковлева макон категориясида қуйидагиларни ажратган: *жой, яқинлик, вертикаллик / горизонталлик, шимол / жануб, гарб /*

<sup>12</sup> Кубрякова Е.С. Язык пространства и пространство языка (к постановке проблемы) // Изв. РАН. Сер. лит. и языка, 1997. Т. 56. – №3. – С. 26.

<sup>13</sup> Каранг: Селиверстова О.Н. Семантический анализ экзистенциальных и possessивных конструкций в английском языке // Категории бытия и обладания в языке (под ред. Ярцевой В.Н.). - М., 1977 – С. 5-67.

<sup>14</sup> Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – Б. 30.

<sup>15</sup> Чугунекова А.Н. Категория пространства в хакасском языке (в сравнительно-типологическом аспекте): Дисс. ... д-ра филол. наук. – Абакан, 2016 – С. 45.

*шарқ, мўлжал олиш, ҳаракат, ҳаракатланиш*<sup>16</sup>. Англашиладики, макон предмет, замон, кўлам, мўлжал кабиларнинг объектив мавжудлиги шартли бўлиш билан бирга, таркибий қисмларга бўлинувчан мураккаб структура ҳамдир. Макон категорияси антропоцентрик моҳиятга эга. Унинг бу жиҳати инсон ва макон муносабатларининг тилда акс этишида намоён бўлади.

Диссертациянинг мазкур бобида тилшуносликда макон категорияси ҳақидаги назарий қарашлар таҳлил этилиб, уларга муносабат билдирилган. Жумладан, Е. С. Кубрякова, И. М. Кобозева, Е. В. Рахилина, Ю. Д. Апресян, В. А. Маслова, И. В. Воропаева, Ш. Сафаров, З. Уракова ва бошқа олимларнинг ишларида маконни грамматик жиҳатдан тавсифлаш, макон ифодаловчи birlikлар семантикаси, макон тили ва тил макони, макон концепти, макон дейксиси ҳақидаги қарашларига муносабат билдирган<sup>17</sup>.

Диссертациянинг **“Тилда макон категориясининг ифодаланиши ва маконий муносабатлар”** деб номланган иккинчи бобида турли тизимдаги тилларда макон категориясининг ифодаланиши масаласига муносабат билдирилган, макон категориясини ҳосил қилувчи субкатегориялар белгиланган, уларни воқелантирувчи тил birlikларининг семантик-функционал хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, маконда ҳаракатланиш ва жойлашишга оид муносабатлар таҳлилга тортилган.

Макон категорияси макон ифодаловчи субкатегорияларнинг алоқа-муносабатидан ташкил топади. Диссертацияда умумий макон маъноси доирасида *ўрин-жой маъноси, макон йўналиши, макон кўлами, макон қисми* каби маънолар фарқланиб, шу асосда макон категориясининг *ўрин-жой, йўналиш, кўлам, қисм* ифодаловчи макон субкатегориялари ажратилган.

**1. Ўрин-жой ифодаловчи макон субкатегорияси.** Тилда бу субкатегория ўрин-жой семасига эга birlikлар орқали воқеланади. Масалан, ўзбек тилида *қишлоқ, шаҳар, вилоят, туман, остона, маскан, ер, овул, ҳовли, кошона, сарой, ертўла, уй, ўрмонзор, дала* каби кўплаб birlikлар *ўрин-жой* маъносини англатиб, макон категориясини шакллантиради. Улардан *қишлоқ, уй, овул, сарой, кошона, қаср* кабилар умумий тарзда ўрин-жойни англатса-да, *тураржой* семаси асосида фарқли белгиларга эга бўлади. Айримларида ҳам тураржой, ҳам муайян объект, корхона кабиларни англатиш хусусияти мавжуд. Жумладан, *маскан* сўзи турар жой, яшаш жойи маъноси билан бирга, турли ўқув ва маданият муассасаларини ҳам англатади. З.Уракова бу сўзнинг ҳатто инсонларнинг “абдий макони”ни англатишини ҳам қайд

<sup>16</sup> Қаранг: Яковлева Е.С. Фрагменты русской языковой картины мира (модели пространства, времени и восприятия). – М.: Гнозис, 1994. – 343 с.

<sup>17</sup> Кубрякова Е.С. Язык пространства и пространство языка (к постановке проблемы) // Изв. РАН. Серия лит. и языка. – 1997. Т.56. – №3. – С. 22.; Кобозева И.М. Грамматика описания пространства // Логический анализ языка. Языки пространств. – М., 1997. – С. 152-163.; Рахилина Е.В. Семантика русских позиционных предикатов: стоять, сидеть, лежать, висеть // Вопросы языкознания. – М., 1998. – № 6. – С. 69.; Апресян Ю.Д. Избранные труды. Т. II. Интегральное описание языка и системная лексикография. – М., 1995. – С. 630.; Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. – Минск, 2008. – С. 39.; Воропаева И.В. Когнитивный анализ английских реляторов BEFORE, AFTER, FOR, SINCE, TILL и UNTIL: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2006. – С. 24.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 153.; Уракова З. Маскан отлари луғавий-маъновий гуруҳи ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – Б.16.

этган.<sup>18</sup> Диссертацияда *ўрин-жой* ифодаловчи айрим макон отларининг семантик-функционал имкониятлари ёритилди.

**Қишлоқ лексемаси.** Бу лексема *тураржой, яшаш жойи* семаси орқали ўрин-жой субкатегориясини ҳосил қилади. Масалан: *Шу йилнинг бошида Янгибой ҳисобчи қишлоққа гилдиракли аравада кириб келди* (Н. Эшонкул). *Қишлоқ сўзи чекка, ўрта, этак* каби кўмакчи отлар билан бирикиб келганда маконнинг қисми маъноси англашилади: *Эртасига қишлоқ чеккасидаги катта айвонли пахса уйда кичкина тўй бўлди* (Н. Эшонкул).

**Қишлоқ** лексемаси гапда макон ифодаловчи бошқа бирликлар билан бирикиб келганда асосий ва иккинчи даражали макон маънолари фарқланади. Масалан, *қишлоқ чеккасидаги уйда* бирикмасида асосий эътибор уй лексемаси орқали ифодаланган маконга қаратилади. *Қишлоқ* лексемаси ифодалаган макон эса нутқ эгаси учун иккинчи даражали макон ҳисобланади. *Туман чеккасидаги қишлоқ* бирикмасида эса *қишлоқ* лексемаси орқали ифодаланган макон асосий макон мавқеида бўлади.

**Ер** лексемаси. *Ер* лексемаси соф ўрин-жой семасига эга бўлиб, у қўлланган гапларда кўпинча мавхум макон (*ўрин-жой*) маъноси англашилади. Шу боис бу лексема орқали ифодаланган макон маъносига аниқлик киритиш лозим бўлади. Масалан: *Бойлар бизни сиқиб, охири ана шу «Эски кўчманчи» ерларига ҳайдаб юборишган эди* (Ч. Айтматов).

Диссертацияда ўзбек тилидаги *шаҳар, остона*; инглиз тилидаги *place, region, passage, seat, point, room* каби бирликлар орқали ҳам ўрин-жой макон субкатегориясининг ифодаланиши ёритилган.

**2. Йўналиш ифодаловчи макон субкатегорияси.** Макон борлиқнинг бир бўлаги сифатида намоён бўлар экан, инсон, табиий равишда, бу макондан ўрин олади ва унинг ўзи маконда йўналтирувчи нуқтани танлайди. Бу ўринда маконнинг турли йўналишлари ҳақида гапириш мумкин бўлади. В. Н. Топоров маконга хос қуйидаги йўналиш ўлчамларини ажратган: *юқори – қуйи; баланд – паст; ўнг томон, чап томон, ён, олд, орқа томонлар* (ёки *узоқ – яқин*)<sup>19</sup>. Маконга хос бундай ўлчамлар асосида тилда *йўналиш ифодаловчи макон* субкатегорияси фарқланади. Йўналишнинг моҳиятига кўра вертикал йўналишли ва горизонтал йўналишли маконларни фарқлаш мумкин.

Мазкур бобда ўзбек тилида *ўнг* (*ўнга, ўнг томонда...*), *чап* (*чапга, чап томонда...*), *сўл* (*сўл томондан...*), *ён* (*ёнга, ён томон...*), *олд* (*олдинга, олд томон...*), *орқа* (*орқага, орқа томон*) ва шу каби қатор бирликлар орқали маконнинг объект йўналиши асосида тавсифланиши ёритилган. Бу бирликларнинг метафорик қўлланишда макон маъноси билан бирга, объектнинг йўналишини ҳам акс эттириши мисоллар орқали очиб берилган. Масалан: *Душман гоҳ ўнгдан, гоҳ сўлдан келар ва ҳар қаерда дўлдай ёгилган ўққа учрар эди* (А.Қахҳор). *Душман орқадан хужум қилди...* (Ч. Айтматов).

Йўналиш маъноси *ўнг, чап, сўл, олд, орқа, ён, қарши, юқори, қуйи, паст* сўзларининг *томон* кўмакчиси билан бирикувида янада ойдинлашади.

<sup>18</sup> Уракова З. Кўрсатилган тадқиқот. – Б.16.

<sup>19</sup> Топоров В.Н. Пространство и текст // Текст: семантика и структура. – М.: Наука, 1983. – С. 227-284.

Масалан, “*Йигит ўнг томондан чиқди*”, “*У орқа томонга югурди*” гапларида қўлланган кўмакчили қурилмалар орқали горизонтал йўналишга асосланган макон маъноси ифодаланган.

Ўзбек тилида *ён* сўзи орқали ҳам горизонтал йўналишга асосланган макон маъноси ифодаланади. Аммо бу сўз макон йўналишини аниқ кўрсатмайди. Йўналиш маъносига аниқлик киритиш лозим топилганда бу сўз *чап*, *ўнг* сўзлари билан бирикиб қўлланади. Қиёсланг: *Ён томонда пастқам уйлар бор эди. Чап ён томонда пастқам уйлар бор эди.*

*Ён-атроф* бирлигида эса горизонтал ҳолатдаги барча йўналишлар (*ўнг*, *чап*, *олд томон*, *орқа томон* кабилар) қамраб олинади. Бу маъно *атроф* сўзининг луғавий маъносига боғлиқ ҳолда юзага чиқди. Қиёсланг: *Осмонни забт этган юлдузлар, қўл атрофини садоқатли соқчилардай ўраб турган тоғлар ўзлари қарор топтирган сукутдан маст* (Т. Малик)

Шунингдек, маконга хос турли йўналиш параметри *гарб*, *шарқ*, *шимол*, *жануб* отлари орқали ҳам ифодаланади.

Рус тилида макон йўналиши маъноси *впереди*, *спереди*, *с передней стороны* бирликлари орқали, инглиз тилида эса бу маъно *in front* бирикмаси ёрдамида юзага чиқади: Масалан: *Учитель бодро шел впереди, а его молодые ученики бежали за ним. This dog ran out right in front of my car.*

Тилда баъзан шахс ифодаловчи бирликлар орқали макон тасаввури ҳосил қилинади. Бундай вазиятда шахс отлари ёки унинг вазифасидаги бирликлар *орқа*, *орт*, *олд* сўзлари билан бирикиб келади: *Ўринбойнинг орқасида уни суяғучи кимдир бор.*

Тилда вертикал йўналишли макон маъноси *юқори*, *қуйи*, *баланд*, *паст* макон ифодаловчилари орқали юзага чиқади. Масалан: *Куйида сув симобдай милтирайди* (С. Сиёев). Бу лексемалар *томон*, *қараб* кўмакчилари билан боғланганда йўналиш маъносига янада аниқлик киритилади: *Пастга қараб ... юмалаб тушаверасан...* (Ч. Айтматов).

Шуниси характерлики, турли тилларда “*юқори – қуйи*” йўналишларини метафорик тушуниш ҳам кузатилади. Ж. Лакофф “*юқори – қуйи*” макон маъносини ўзида мужассам этган 9 та ориентацион метафорани ажратган<sup>20</sup>. Жумладан, *бахт – гам* тушунчалари “*юқори – қуйи*” йўналишлари орқали тасвирланганда, *бахт* тушунчаси *юқори* сўзи, *гам* *қуйи* сўзи англатган маъно орқали очилади. Масалан, *юқори кайфиятда – на верху блаженства* (чексиз бахт, чуқур қониққанлик) каби. Инглиз тилида *юқори* тушунчаси қуйидаги иборалар орқали ифодаланади: *to be in high spirits* (яхши кайфиятда бўлмоқ), *on top of the world* (беҳад бахтли), *to be above oneself* (яхши кайфиятда).

Ўзбек тилида *баланд* лексемасининг ҳам метафорик маънода “*юқори*” йўналишини ифодалаши кузатилади: *У корхона нуфузини баландга кўтарди.*

**3. Кўлам ифодаловчи макон субкатегорияси.** Макон кўлам (маконнинг қамров доираси, ҳажми, миқёси кабилар) параметрига ҳам эга бўлгани боис тилда маконни унинг кўлами жиҳатидан тавсифловчи

<sup>20</sup> Бу ҳақда қаранг: Топоров В.Н. Миф. Ритуал. Символ. Образ. Исследования в области мифопоэтического. Избранное. – М.: Прогресс: Культура, 1995. – С. 195.

бирликлар ҳам мавжуд. Масалан, *height* – баландлик – *высота*; *depth* – чуқурлик – *глубина*; *far* – узоқ – *далекий*; *length* – узунлик – *длина* каби кўлам номлари параметрик отларнинг семантик гуруҳини ташкил қилиб, маконни турли жиҳатдан тавсифлайди.

Кўлам ифодаловчи макон субкатегорияси бирликлари *баландлик*, *чуқурлик*, *пастлик*, *узунлик*, *кенглик* каби фарқловчи семалари билан ажралиб туради. “Баландликлар” гуруҳига кирувчи лексемалар ер сатҳидан юқорида турган маконни ифодалайди. Бу гуруҳга ўзбек тилида *тепалик*, *баландлик*, *тоғ*, *чўққи*, *қоя*; рус тилида *гора*, *холм*, *гора*, *скала*; инглиз тилида *hill*, *mountain*, *mount*, *rock*, *top* лексемалари киради. Ер сатҳидан пастда жойлашган маконни ифодаловчи лексемалар “чуқурликлар” гуруҳига бирлаштирилади. Масалан, ўзбек тилида *туб*, *чуқур*, *чуқурлик*, *пастлик*, *саёзлик*; рус тилида *дно*, *яма*, *глубина*, *бездна*, *мель*; инглиз тилида *abyss*, *bottom*, *hole*, *depth*, *grave* кабилар шулар жумласидандир. Маконнинг ёйилиш кўлами асосида “кенгликлар” гуруҳини ҳам ажратиш мумкин: *кенглик*, *катталиқ* кабилар.

Макон кўлами *чуқурлик*, *узунлик*, *кенглик*, *баландлик*, *пастлик* каби лексемалар орқали ифодаланганда асосий эътибор маконнинг ўзига эмас, унинг кўламга қаратилади: *Ота-бувам ҳам кенгликларда яшаб ўтган*. (Н. Жалил) *Терак бўйи чуқурликда сув қорайиб оқади*. (Ў. Ҳошимов)

Тилда маконнинг масофавий кўлами ҳам фарқланади. Масофавий кўлам ифодаловчи макон субкатегорияси ўзбек тилида *узоққа*, *олисда*, *йироқда*, *яқиндан* бирликлари; рус тилида *далёкий*, *неблизний*, *близко*, *далеко*, *рядом*, *около*, *неподалёку*, *поблизости* бирликлари орқали; инглиз тилида эса *long*, *distant*, *remote*, *far*, *sit* кабилар орқали воқеланади. Масалан, “... *Қизингиз узоқда эмас, шу ерда-ку!..*” (Ч.Айтматов) гапида қўлланган *узоқда эмас* бирлиги маконни масофа нуқтаи назардан тавсифлайди.

Яқин масофада жойлашганлик маъноси ўзбек тилида *қўшни* сўзи орқали ҳам ифодаланади. Бироқ *ён* сўзига нисбатан *қўшни* сўзида макон семаси анча кучсиз. Макон семаси *қўшни* сўзи билан бирикиб келувчи макон отлари орқали реаллашади: *Санам боғ адоғидаги кемтиқдан ошиб, эгаси кўчиб кетиб, хувиллаб қолган қўшни боққа тушди*. (Ш. Холмирзаев)

**4. Қисм ифодаловчи макон субкатегорияси.** Тилда маконни унинг қисми орқали тавсифловчи бирликлар ҳам мавжуд. Масалан, ўзбек тилидаги *олд* (*олд қисми*, *олди*), *орқа* (*орқа қисми*, *орқаси*), *ора* (*ораси*), *ўрта* (*ўрта қисми*, *ўртаси*), *таг* (*таг қисми*), *ост* (*ост қисми*), *ич* (*ичи*) кабилар маконнинг маълум бир қисми ҳақида ахборот ташийд.

Бу бирликларнинг ҳар бири ўзига хос маъно қирралари билан фарқланади. Жумладан, *орқа* сўзи нутқда *қисм* маъноси билан бирга *йўналиш*, *томон* маъноларини ҳам ифодалайди. Масалан, “*Низомжон опасига кўринмай, ёнгоқ орқасидан айланиб ўтиб кетди*” (С. Аҳмад) гапида қўлланган *орқасидан* ёрдамчиси орқали *томон* маъноси англашилади. “*Моҳидил у ёқ-бу ёққа аланглаб олиб, қалин олчазор орасидан қўшинининг том орқасига ўтди*” (С. Зуннунова) гапида эса макон қисми ифодаланган.

Худди шундай, *ора, ўрта, таг, ост, ич (ичи)* сўзлари орқали ҳам макон маъноси билан бирга, унинг муайян қисми маъноси ифодаланиши мумкин: *Қум барханлари орасида қашқирлар улийди.* (А. Мухтор)

Шуниси характерлики, *ора, ўрта, ич* сўзлари гап таркибида шахс отларига боғланиб келганда, бундай бирикув орқали макон тасаввуридаги шахс маъноси англашилади. Масалан: *Меҳмонлар орасида тор пешонали, жингалак оқ сочлари, бироқ қошлари юзига улузворлик бахш этган олимнамо киши бор эди.* (С. Нуоров)

Ўзбек тилида шундай сўзлар ҳам борки, улар кўчма маънода қўлланиб, маконни унинг қисми орқали тавсифлайди. Жумладан, *бел* сўзи метафорик кўчим асосида *маконнинг ўрта қисми* маъносини ифодалайди. Масалан: *Қишлоқ тоғнинг кунгай томонига, шундай белига жойлашган, пастликда дарё суви айқириб оқади.* (Т. Малик)

Хуллас, тилда умумий макон маъноси доирасида *маконнинг ўрни, йўналиши, кўлами, қисми* кабилар ҳам англашилади. Макон билан боғлиқ бу белгилар маконни турли жиҳатдан тавсифлашга хизмат қилади. Диссертациянинг мазкур бобида маконда ҳаракатланиш ва жойлашишга оид муносабатлар муаммоси ҳам таҳлил этилган.

Маълумки, макон дейксиси системасида ҳаракат-ҳолат феъллари алоҳида ўрин тутаяди. Тилда маконга ишора қилувчи феълларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) ҳаракат йўналган бошланғич пункт (макон)га ишора қилувчи феъллар; 2) ҳаракат йўналган сўнгги пункт (макон)га ишора қилувчи феъллар; 3) ҳаракат орқали субъект ўрин олган маконга ишора қилувчи феъллар. Бундай феълларнинг макон дейксисига ишора қилиши макон ва ҳаракат тушунчаларининг ўзаро алоқада эканини кўрсатади. Масалан, “*Поезд яқинлашмоқда*” гапида қўлланган *яқинлашмоқ* феълининг маконга (тўхташ жойи) ишора қилиши макон ва ҳаракат-ҳолат тушунчаларининг ўзаро зич боғланишидан далолат беради. *Яқинлашмоқ* феълига рус тилида муқобил бўлган *приближаться, близиться, подходить, надвигаться* феълларида ҳам маконга ишора хусусияти кузатилади.

Макон категорияси тавсифида объектнинг маконда жойлашуви масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Объектнинг маконда ўрнашуви *локализация* ходисаси ҳисобланади. Локализация муносабатда В.М.Всеволодова томонидан тавсия этилган *локум* тушунчаси марказий ўринни эгаллайди<sup>21</sup>. *Локум* лексик бирликлар орқали номланган макондир.

Локаллашувнинг юзага чиқишида локум билдирувчи сўз шакллариининг локатив таркиби муҳим ўрин тутаяди. Сўз шакллариининг локатив таркиби асосида маконнинг қуйидаги моделларини ажратиш мумкин: 1) макон ва ўрин маъносини ифодаловчи бирлик (*Тошкент яқинида; близко к Москве; near New York*); 2) макон тасаввуридаги предмет ва ўрин маъносини ифодаловчи бирлик: (*стол устида; на столе*); 3) макон ва йўналиш ифодаловчи бирлик (*Тошкент бўйлаб, по Москве, to New York*); 4) макон ва

<sup>21</sup> Черский А.Ю. Семантика и синтаксис предложений с локативными предикатами в современном английском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1988. – 162 с.

йўналишнинг бошланғич нуқтаси маъносини ифодаловчи бирлик (*даладан (қайтмоқ); (вернулись) из деревни*); 5) макон ва аталганлик маъносини ифодаловчи бирлик (*юртим учун; для страны*).

Тилдаги маконий муносабатлар коммуникатив мақсад асосида турлича тавсифланиши мумкин. Жумладан, нутқда предметнинг маконда жойлашуви, ҳаракатланиш ўрни, чиқиш нуқтаси кабилар акс этганда *қаерга?, қаерда?, қаердан?* саволларига жавоб берувчи маконий муносабатлар юзага чиқади.

Маконий муносабатларни семантик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1. Маконнинг ич томон билан чегараланиши: *ўрмон ичидан юрмоқ*. 2. Маконнинг ташқи томон билан чегараланиши: *йўл четидан юрмоқ*. 3. Маконнинг сиртқи томон билан чегараланиши: *стол сиртидан олмоқ*. 4. Маконнинг юқори томон билан чегараланиши: *юқорига чиқмоқ*. 5. Маконнинг таг томон билан чегараланиши: *машина тагидан чиқмоқ*. 6. Маконнинг олд томон билан чегараланиши: *сафнинг олдида турмоқ* кабилар. Диссертацияда бу каби маконий муносабатларнинг 15 та семантик гуруҳи ажратилган.

Диссертациянинг **“Оламнинг лисоний манзарасида макон категорияси ифодаланишининг миллий ўзига хослиги”** деб номланган учинчи бобда маконни концептуаллаштиришда миллий ўзига хослик, макон категориясининг миллий-маданий хусусиятлари турли тиллардаги фразеологик бирликлар ва мақоллар таҳлили асосида очиб берилган.

Маконни концептуаллаштириш жараёнида концептлар структураларини моделлаштириш, уларни ажратиш мезонлари, олам манзараси ва оламнинг миллий образи ўртасидаги мутаносибликлар, оламини қабул қилишнинг тилга тааллуқлилиги каби масалалар ўрганилади.

Оламнинг концептуал манзараси индивиднинг турли амалий ва билиш фаолиятида долзарб ва муҳим этиб тасвирланган объектлар ҳақидаги ахборот тизимидир. Концепт унинг бирлиги ҳисобланади, унинг асосий вазифаси оламнинг концептуал манзараси таркибига киритилган борликдаги объектларнинг тушунчавий, эмоционал, ассоциатив, вербал, маданий ва бошқача мазмунларини қайд этиш ва актуаллаштиришдан иборат.

Оламнинг лисоний манзараси ҳақидаги билимларни ҳикматли сўзлар, турғун иборалар, матал ва мақоллар, машҳур иборалар, кўчимлар, прецедент матнлар, миллий маданиятнинг прототипик образлари кабилар ташкил қилади. Диссертацияда маконнинг миллий хусусиятлари фразеологик бирликлар ва мақоллар мазмунида акс этиши илмий асосланди.

Турли тилларга мансуб макон тушунчаси акс этган фразеологик бирлик ва мақолларда оламнинг манзараси фарқланади. Бундай бирликлар тил эгаларининг дунёни идрок этиши, хусусан, маконни тасаввур қилишини намоиш қилади. Макон ифодаланган мақолларнинг антропоцентрик хусусияти шунда намоён бўладики, уларда инсон тафаккури, ҳаётий тажрибаси, реал воқеликка муносабати кабилар ёрқин акс этган. Инсон макон тушунчаси ифодаланган барча мақолларда макон субъекти ҳисобланади.

Макон ифодаланган мақоллар учун макон категориясининг базавий бирликлари қуйидагилардан иборат: 1) маконга оид категориал маънога эга

лексик бирликлар; 2) объектнинг алоҳида қисмлари, томонларини акс эттирувчи сўзлар; 3) турли сўз туркумларига кирувчи локал маъноли сўзлар: а) макон маъносини ҳосил қилувчи кўмакчи, предлоглар; б) субъект ва объект ўртасидаги масофани кўрсатувчи маконга оид чегара семали сўзлар.

Макон лексемалари қатнашган мақолларда қуйидаги маконий ориентациялар акс этади:

1) *юқори – паст* ориентацияси. Мазкур ориентацияни ифодалашда *тоғ, қир, осмон, бет* сўзлари фаол қўлланилади. Масалан, “*Осмонга туфласанг, бетингга тушар*” мақолида *осмонга туфласанг* юқори маконий ориентацияни, *бетингга тушар* паст макон ориентациясини ҳосил қилади;

2) *узоқ – яқин* ориентацияси. Мазкур ориентация ифодасида *олис, узоқ, яқин* сўзлари қатнашади. Масалан: *Узоқ қариндошдан яқин қўшни яхши; Ближняя соломка лучше дальнего сенца; A near neighbour is better than a far-dwelling kinsman;*

3) *узоқ* ориентацияси. Бу ориентацияни *узоқ, йироқ, олис* сўзлари ҳосил қилади. Масалан: *Олис йўл отни синар; Хоть и далеко, да полетно;*

4) *ўрта (ора)* ориентацияси. Ушбу ориентация *ўрта* ва *ора* сўзлари орқали ҳосил бўлади: *Икки от тепишса, ўртада эшак ўлар. Орада қолдинг, жалада қолдинг;*

5) *ост* ориентацияси. Мазкур ориентация ўзбек тилида *ост, таг* сўзлари орқали ҳосил бўлади. Масалан: *Хут кирди, ер остига дуд кирди; Truth lies at the bottom of a well; under water, famine;*

б) *ён* ориентацияси. Бу ориентация *ён* сўзи иштирокидаги мақолларда ифодаланади: *Ёз ёмғири ёндан ўтар; Фақирнинг қадри йўқ бой ёнида, Булутнинг қадри йўқ ой ёнида.*

Мазкур бобда, шунингдек, мақолларда *тор – кенг, кириш – чиқиш, майдон – жой, орқа – олд, макон чексизлиги, макон чегараси; зарб, шарқ, жануб, шимол* ориентацияларининг ифодаланиши ҳам ўрганилган.

Макон ифодаловчи мақолларнинг лингвомаданий хусусиятларини текшириш асосида қуйидаги хулосалар илгари сурилди: 1. Халқ мақоллари ва маталларида маълум бир лингвомаданий концепт ифодаланади. Мазкур концепт кўп ҳолларда муайян миллат концептосферасининг миллий жиҳатларини акс эттиради. 2. Халқ мақоллари, бошқа лингвомаданий бирликлар сингари, маданий код ҳисобланади.

Тадқиқотда бундай мақоллар уларда акс этган миллий-маданий жиҳатлар асосида бир қатор семантик гуруҳларга ажратилган. Жумладан, шахслараро муносабатларни ифодаловчи мақоллар: *Хоть кол на голове теши, а он своё;* макон – уй ҳақидаги маълумотлар акс этган мақоллар: *Она юртинг – олтин бешик; Мой дом – моя крепость* ва ҳоказо.

Макон лексемалари кўплаб мақолларда миллий-маданий компонент вазифасини бажаради. Шундай сўзлардан бири *уядир*. Ўзбек тилидаги “*Арслон боласини тутмоқ учун арслон уясига кирмоқ керак*” мақолида *арслон уяси* бирикмаси рамзий маънода *қийинчилик, машаққат* маъносини англатади. Мақолда интилувчанлик концепти ифодаланган бўлиб, айни

мазмунни рус тили “*Без муки нет науки*”, “*Без труда не вынешь и рыбку из пруда*” мақоллари акс эттиради. Демак, ўзбек тили соҳиблари машаққат чекишни *арслон уясига кирмоқ* тушунчаси орқали, рус тили эгалари *ҳовуздан қийинчилик билан балиқни тортиб олиш* тушунчаси орқали ифодалашади.

Ўзбек халқ мақолларида энг кўп қўлланадиган макон лексемаларидан бири *тоғ* сўзидир. “*Бири тоғдан келса, бири боғдан келади*” мақолида суҳбатдошларнинг гапи бир-бирига тўғри келмаслигига ишора қилинган. Ушбу мақол рус тилида “*Люди с базара – Назар на базар*” тарзида ифодаланади. Ўзбек тили эгалари ушбу ҳолатни *боғ* ва *тоғ* тушунчалари орқали ифодалаган бўлсалар, рус тили соҳиблари бир маконга йўналган қарама-қарши ҳаракат (с базара – на базар) воситасида акс эттирганлар. Шунингдек, рус тилида ушбу мақолнинг “*Кто в лес, кто по дрова*”; “*Один про Фому, а другой про Ерём*”у; “*Один про Ивана, другой про болвана*” вариантлари ҳам мавжуд. Аён бўладики, ўзбек ва рус миллатига мансуб шахслар бир мазмунни турли тушунчалар ва шахс номлари (*боғ, тоғ; лес, дрова; Фома, Ерёма; Иван, болван*) воситасида ифодалаганлар.

Мақолларда қўлланган таянч сўзлар халқларнинг воқеликни идрок этиши (концептуаллаштириши)ни кўрсатади. Масалан, ўзбек тилидаги “*Мусулмончилик – астачилик*”; рус тилидаги “*Москва сразу не строилась*”; инглиз тилидаги “*Rome was not built in a day*” (*Рим бир кунда қурилмаган*) мақолларига шу жиҳатдан ёндашганимизда, рус ва инглиз тилида мақолдаги миллий-маданий компонент шаҳар номлари билан, ўзбек тилида эса халқнинг диний эътиқоди билан боғлиқ бўлган мавҳум от (*мусулмончилик*) билан ифодаланганини кўрамыз.

Диссертациянинг мазкур бобида *ер, осмон, ич, тоғ, жой, ора (ўрта), томон* лексемалари иштирок этган фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари ўрганилди. Улардан айримларини бериб ўтамыз.

**Ер** лексемаси. *Ер* лексемаси қуйидаги фразеологик бирликлар таркибида иштирок этади: *ер тагида илон қимирласа билади, ер билан яксон бўлмоқ, ерга урмоқ, ерга қарамоқ, ер тишламоқ, ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетса кабилар*.

Ўзбек лисоний манзарасида *ер* сўзининг *паст* тушунчаси билан боғлиқ ҳолда идрок этилиши натижасида *ерга урмоқ, ерда қолмоқ, ер тишламоқ, ер билан яксон бўлмоқ* каби салбий маъно оттенкасига эга иборалар шакллانган. Бунда *ер* лексемаси маконий код сифатида мазкур ибораларда таянч миллий компонент вазифасида келган.

“*Юқорига*” ва “*қуйига*” тушунчаси билан боғлиқ ибораларнинг қўлланилиши ўзбек ва рус олам лисоний манзарасида деярли бир хил: *юрагим тушди – сердце упало, юрагим товонимга тушди – душа ушла в пятки, оёғим остидаги ерни сезмадим* кабилар. Инглиз тилида: *to my mind, tum smth; over in one’s mind. Bring to smb’s knees* - тиз чўкмоқ маъносида қўлланилади. Бу каби ибораларда ижобий ва салбий ориентирларнинг аламашинуви содир бўлади: *видеть на два аршина в землю (по земле) – дўпписини осмонга отмоқ*.

Ўзбек тилида *юқори* лексемаси салбий маънони ҳам англатиши мумкин: *юқоридан қарамоқ*; рус тилида буни кузатиш мумкин: *смотреть с висока*. *Юқори* ва *паст* тушунчалари билан боғлиқ иборалар инглиз тилида қуйидагилардир: *on the up and up* (янада яхшироқ), *be on the up grade* (яхшиланмоқ), *to be on the down grade* (ёмонлашмоқ) кабилар.

**Осмон (кўк)** лексемаси. Мазкур лексема *юқори* тушунчаси билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ўзбек тилида ижобий семага эга бўлган *дўпписини осмонга отмоқ*, *еттинчи осмонда учиб юрмоқ*, *боши кўкка етмоқ* (ўта хурсандлик ҳолати), *кўкка кўтармоқ* (ортиқ даражада мақташ ҳолати) иборалари юзага келган. Ўзбек лисоний манзарасида *ер* ва *осмон (кўк)* лексемаларини бир ибора таркибида қўллаш ҳолати ҳам мавжуд. Бунда *ер* ва *осмон* ўртасидаги катта масофа ҳисобга олиниб, ҳажм катталиги маъноси реаллаштирилган: *ер билан осмонча (жуда катта маъносида)*; *ерга урса*, *кўкка санчийди* (жуда шўх) ибораси асосида ҳам инсонга хос сифат (шўхлик)нинг ортиқ даражада эканлигини ифодалашда *кўк (осмон)нинг ерга* нисбатан жуда узоқ масофада, яъни *юқорида* эканлиги ҳақидаги билим ётади.

Ҳар қандай фразеологик бирлик халқнинг лисоний олам манзарасидан муайян маданият коди сифатида ўрин олади. Шу нуқтаи назардан макон ифодаловчи фразеологик бирликлар маконий кодлар ҳисобланади. Қуйидаги мисолларга эътибор беринг: *Қовун полизга қовун кўтариб бормоқ* (ўзб.) – *Ехать в Тулу со своим самоваром* (рус.) Бир хил фразеологик маънога эга бўлган мазкур бирликлар турли маданий кодлар воситасида ифодаланган: ўзбек тили соҳиби бу маънони *қовун полиз* (маконий код) ва *қовун* (фитонимик код) воситасида ифодалаган бўлса, рус тили соҳиби *Тула* (маконий код) ва *самовар* (предметли код) воситасида идрок этган.

Хуллас, макон тилда, хусусан, унинг фразеологик фондида ўзига хос тарзда акс этади. Оламнинг фразеологик манзараси инсон дунёқарашининг миллий-лисоний моделини ўрганиш учун замин бўлиши мумкин.

## ХУЛОСА

1. Оламнинг лисоний манзараси олам ҳақидаги билим ва тасаввурларнинг тилдаги акси, тил воситалари орқали ифодаланган онг, реаллик образи, тилда қайта номланувчи тасаввурлар концептуал тизимининг миллий моделидир.

2. Оламнинг лисоний манзарасида макон муносабатларининг акс этиши ўзига хос. *Инсон ва макон* тушунчалари доимо бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, у тилда ҳам ўз ифодасини топади. Аммо турли тиллар олам лисоний манзарасида маконни ифодалашнинг усул ва воситалари ҳар хил бўлиши мумкин.

3. *Макон* тушунчаси фалсафий ва лингвистик моҳият касб этади. Фалсафий макон категорияси объектнинг жойлашган ўрни, қандай ҳолатда жойлашиши кабиларни ифода этади. Лингвистик макон категорияси макон семаси билан бирлашувчи тил бирликлари ва улар орқали воқеланувчи маъно муносабатини акс эттиради. Бундай бирликларга ўрин-жой отлари, маконга

ишора қилувчи нарса отлари, макон ифодаловчи сўз бирикмалари ва гаплар, хатто макон аффикслари ҳам мансуб бўла олади.

4. *Макон* тушунчаси *предмет, ўрин, жойлашув, йўналиш* тушунчалари билан зич боғлиқ. Ҳар бир предмет маконда ўз жойлашув ўрнига эга бўлади. Бу муносабат акс этган ифодада макон, предмет ва унинг жойлашув ўрнини ифодаловчи бирликларнинг бўлиши табиийдир.

5. Макон категорияси антропоцентрик аспектда ўрганилганда асосий эътибор маконда инсон омили ва инсоннинг маконни идрок этиши масаласига қаратилади. Макон категориясини лингвокогнитив ва лингвомаданий аспект-ларда ўрганишда *маконий локаллаштириш* марказий тушунча ҳисобланади.

6. Макон категорияси макон ифодаловчи субкатегорияларнинг алоқа-муносабатидан ташкил топади. Маконнинг умумий мазмун доирасида *локатив* – жойлашув ўрни; *директив* – ҳаракат йўналиши, йўналган ҳаракат ёки предмет ҳолатини ифодаловчи компонент ва *транзитив* – ҳаракат йўли маъносига эга компонентлар фарқланади.

7. Умумий макон маъноси доирасида *ўрин-жой маъноси, макон ва унинг йўналиши, макон ва унинг кўлами, макон ва унинг қисми* каби маънолар фарқланади. Шу асосда макон категориясининг ўрин-жой, йўналиш, кўлам, қисм ифодаловчи макон каби ички субкатегорияларини ажратиш мумкин.

8. Тилда *ўрин-жой ифодаловчи макон субкатегорияси* ўрин-жой семасига эга бирликлар орқали воқеланади. Ўзбек тилида *қишлоқ, шаҳар, вилоят, туман, остона, ер, овул, ертўла, уй, ўрмонзор, дала*; инглиз тилида *place, region passage, seat, point, room* лексемалари *ўрин-жой* маъносини англатиб, макон категориясини шакллантиради. Улардан *қишлоқ, уй, овул* кабилар умумий тарзда ўрин-жойни англатса-да, *тураржой* семаси билан фарқли белгиларини ҳам намоён этади.

9. Маконга хос *юқори – қуйи; баланд – паст; ўнг – чап, олд – орқа; ён* каби йўналиш ўлчамлари асосида тилда *йўналиш ифодаловчи макон* субкатегорияси фарқланади. Йўналишнинг моҳиятига кўра вертикал йўналишли ва горизонтал йўналишли маконларни фарқлаш мумкин.

10. *Кўлам ифодаловчи макон субкатегорияси* тилда *баландлик, чуқурлик, пастлик, узунлик, кенглик* каби фарқловчи семалари билан ажралиб турувчи лексик бирликлар орқали ифодаланади.

11. Макон бир бутун ҳолда турли қисм (бўлак)ларга бўлинади. Маконни унинг қисмлари орқали тавсифловчи бирликлар *қисм ифодаловчи макон субкатегориясини* ҳосил қилади.

12. Маконда ҳаракатланиш ва жойлашув билан боғлиқ тарзда тилда турли маконий муносабатлар юзага чиқади. Макондаги ҳаракатланиш билан боғлиқ маконий муносабатлар дейктик феъллар орқали ёрқин акс этади. Маконда жойлашув билан боғлиқ ҳолда юзага чиқувчи маконий муносабатларда локум муҳим ўрин тутаяди.

13. Оламнинг паремиологик манзарасида макон ориентациялари инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни, уларнинг реал воқелик

(табиат ҳодисалари, ҳаёт, ўлим) ва маънавий тушунчалар (яхшилик, ёмонлик) инсон табиати (мардлик – кўрқоқлик, меҳнаткашлик – дангасалик)ни образли тарзда акс эттиришда восита бўлади. Бунда мақол мазмуни кўп ҳолларда ўзаро зид тушунчаларни билдирувчи *ер – осмон, паст – юқори, узоқ – яқин, саёз – чуқур* каби макон лексемалари воситасида ифодаланади.

14. Маконни англлатувчи фразеологик бирликлар тил эгаларининг моддий, ижтимоий, маънавий маданияти билан у ёки бу даражада боғлиқ ҳолда шакллангани боис халқ маданият, анъаналари ҳақида маълумот бера олади. Бу жиҳат фразеологизмларнинг муайян тилнинг лингвумаданий бирлиги эканини кўрсатади.

15. Макон ифодаловчи фразеологизмларнинг миллий-маданий таянч компонентига айланган сўзлар қуйидагилардир: макон координаталарини билдирувчи сўзлар; макон чегараларини билдирувчи сўзлар; тана қисмини билдирувчи сўзлар; табиий объектларни билдирувчи сўзлар.

16. Тилларда “яқин” тушунчаси билан боғланган фразеологизмлар гуруҳи “Макон” фразеосемантик майдонининг энг кўп сонли гуруҳларидан бири ҳисобланади. Инсон, қайси тил соҳиби эканлигидан қатъи назар, кўпинча кундалик ҳаётида унга яқин майдонда жойлашган объектлар (шахс ёки предметлар) билан муносабатда бўлади. Шу жиҳатдан бу турга мансуб барча фразеологизмлар *яқин* семасига эгаллиги билан характерланади.